Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 15-iyul, seshanba № 86 (3435)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш имконига эга бўлганим учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдираман.

Сизни ва Ўзбекистон илмий жамоатчилигини юксак савияда ташкил этилган ушбу нуфузли анжуман муваффақиятли ўтгани билан табриклайман. Халқаро илмий жамоатчилик ғоят фойдали ва муҳим ташаббуслардан бирига айланган бундай конференцияни кўпдан буён сабрсизлик билан кутган эди. Форум дунё мамлакатлари илм-фан вакилларини Марказий Осиё олимларининг улкан илмий ва тарихий меросининг ҳали очилмаган саҳифаларини ўрганиш мақсадида бир жойга тўплади.

Сиз ўзингизнинг теран маъноли илмий нутқингизда менинг илмий фаолиятимни лутфан эслаб ўтдингиз. Бу мен учун катта шарафдир. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ўрганишга бағишланган ярим асрлик фаолиятим давлат раҳбари томонидан эътироф этилгани ва юксак баҳоланганидан мен ниҳоятда мамнунман ва бунинг учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бой ўтмишга эга ва бугун тараққий этиб бораётган буюк мамлакатингиз бутун Осиё довруғини кенг ёйишга улкан ҳисса қўшган ва қўшмоқда. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру Шарқ Ренессанси ҳақида гапирганда ҳар доим Марказий Осиёни назарда тутган. Ўз фаолиятини 1969 йилдан буён Марказий Осиё ва Ўзбекистон билан боғлаган олим сифатида ушбу минтақа илм-фани ва маданияти доимо мени мафтун этиб келади. Марказий Осиё алломалари ва мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва қайта тиклашга ўзимнинг арзимас улушимни қўшганимдан бахтиёрман.

Марказий Осиё ҳақида 230 илмий мақола ва 15 китобим чоп этилган. Айни пайтда Марказий Осиё тўғрисидаги Қисқача энциклопедия устида олиб бораётган ишимни ниҳоясига етказиш арафасидаман. Сиз Ўзбекистонда буюк аждодларингиз меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга раҳнамолик қиладётганингиз ҳар қанча таҳсинга сазовордир, бу мени ҳам янги-янги илмий изланишларга руҳлантиради. Сизнинг ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз бизнинг Марказий Осиёни янада чуқур ўрганишга қаратилган ишларимизга янги куч бағишламоқда. Зеро, ўз аждодлари ва олимларини қадрлаган давлат, албатта, равнақ топади.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган айрим китобларимни Сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тақдим этиш мен учун катта шарафдир. Менинг фикрларимни Муҳаммад Иқболнинг қуйидаги сатрлари янада ёрқинроқ ифодалаши мумкин:

Ўзимда не бўлса борини бердим,
Сиз яхши биласиз бунинг қадрини.

Эзгу тилаклар билан,

Мансура ҲАЙДАР,
профессор, Индира Ганди номидаги миллий маданият марказининг илмий раҳбари.
Деҳли

ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Кегейли туманларида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фойдаланишга топширилди.

ЎзА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, маҳаллаларни янада обод қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда қабул қилинган «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг мазмунли дам олиши, иқтидори, лаёқати ва интилишини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган Беруний тумани «Махтумқули» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги замонавий маданият марказида бичиш-тикиш, рубоб, доира, тасвирий санъат тўгараклари, ашула ва рақс ансамблари фаолият кўрсатмоқда.

Кегейли туманидаги ана шундай марказда 5 тўгарак, 4 бадиий жамоа, «Жайхун» вокал-чолғу ансамбли, «Жилва» ашула ва рақс ансамбли фаолият олиб бормоқда. Уларга 300 га яқин иқтидорли ёшлар жалб этилган.

— Бу ерда туман аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш, уларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш учун барча қулайликлар яратилган, — дейди марказнинг бадиий раҳбари Амина Султонниёзова. — Бу бой миллий меросимизни асраш, бадиий ижод ва санъатни янада ривожлантириш, маданий-маърифий, турли кўнгилочар тадбирлар ўтказиш имкониятини кенгайтиради.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

Жиззах шаҳридаги «Euroasia karpet» корхонасида йилига 1 миллион 800 минг квадрат метр турли ўлчамдаги гилам, 2 минг тонна полипропилен ипи ишлаб чиқарилаётир.

Ҳаммаси ўзимизда, ҳаммаси ўзимизники

2013 йилда 1 миллион 750 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

— Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб йилдан-йилга ортмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Т.Абдуназаров. — Илгари четдан келтирилган пайпоқ, чойшаб, сочиқ, турли кийим-кечак ва бошқа ўнлаб трикотаж буюмлари бугун вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хомашёдан тайёр ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда енгил саноат йўналишида амалга оширилган 66 лойиҳа асосида 4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда вилоятда 273 енгил саноат корхонаси фаолият юритаётир.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг чекка қишлоқларда ташкил этилаётгани, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Янгиобод туманида ташкил этилган «Янгиобод чеварлари», Мирзачўл туманидаги «Иқболхон-Маржона», Фориш туманидаги «FOP-TEX» корхоналарида юзлаб ёшлар иш билан таъминланди.

2014 йилда вилоятда саноат салоҳиятини янада ривожлантириш дастурига асосан 237 лойиҳани амалга ошириш, жумладан, 64 енгил саноат корхонасини ишга тушириш белгиланган. Айни пайтга қадар 31 шундай корхона фаолиятини бошлагани самарасида 550 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг амалдаги ифодасидир.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Семинар

Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида 100 дан зиёд касаба уюшма фаоллари, ходимлар, иш берувчилар вакиллари иштирокида мамлакатимиз меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар, касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномасининг ўрни мавзуларига бағишланган семинар ўтказилди.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Семинарда жамоа шартномаларини тузиш, шартнома шартлари ижросини таъминлаш борасида касаба уюшма органларининг вазифалари бўйича батафсил тушунтириш берилди. Йиғилганлар ишга қабул қилиш, интизомий жазо чоралари қўллаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ва уларни расмийлаштириш, мурожаатларни кўриб чиқиш каби мавзулар юзасидан маърузалар тингланди.

Шунингдек, имтиёзли нафақа, қарилик пенсияси, пенсия ёшидаги ходимларнинг меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш, таътил муддатлари, сиҳатгоҳларга йўлланма ҳақи тўлаш сингари кўплаб саволларга ҳам жавоб олинди.

А.ГАЙНАЗАРОВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти

Ёз — ўтмоқда соз

— Ойижон, мен ҳам оромгоҳга бораман. Қизи Фарангизнинг ҳар кунлик хархашасидан чарчаган Барчинойнинг жонига маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилмира Ҳамидова оро кирди.

Кўзларда қувонч

— Маҳалламиздаги мактабда ўлкашуносликка ихтисослашган оромгоҳ ташкил этилди, — деди у. — Ҳозир кўплаб кам таъминланган оилалар фарзандлари шу масканда касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан дам олиб, ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда. Оромгоҳ фарзандингизга, албатта, манзур бўлади.

Бу таклиф Барчинойга ёқиб тушди. Аслидаям эндигина 1-синфни битирган қизини шаҳардан ташқаридаги оромгоҳга юборишдан чўчиб турганди. Тезликда фарзандини тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур ҳужжатлар билан мактабга йўл олди.

Айни пайтда Ҳамза туманидаги 149-умумтаълим мактабида ташкил этилган кундузги оромгоҳда Фарангиз сингари 125 нафар бола ҳордиқ чиқаряпти. Бу ерда болажонлар учун барча шароит муҳайё этилган. Моҳир қўллар, ёш геолог, бадиий гимнастика, инглиз тили, тўқиш, рақс, тасвирий санъат каби турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Яна бир муҳим жиҳати, оромгоҳ геолог-ўлкашуносликка ихтисослашган бўлиб, болалар қушлар, турли ҳайвонлар, гуллар парвариши билан шуғулланиб, табиатга янада яқинлашишади.

— Болаларни кун давомида зериктирмасликка, уларни қизиқарли, фойдали машғулотларга жалб этишга ҳаракат қиламиз, — дейди оромгоҳ раҳбари, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Наргиза Азизова. — Кун якунида эса «Нимани ўргандим?» викторинасини ўтказиб, уларнинг иқтидорини синаб кўрамиз.

(Давоми 4-саҳифада).

Энг фаол ёш мутахассис

Эртанги ютуққа бугундан...

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Турин политехника университетида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ҳамда «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, йигит-қизларда ўзи танлаган касбга нисбатан ҳурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, улар орасидан иқтидорлиларни аниқлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур танлов Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги барча йирик корхоналарда «Энг фаол ёш машинасоз», «Энг фаол ёш металлург» номинацияларини йўналишида ўтказилди. Унда юзлаб ёш мутахассис ва ходимлар қатнашиб, билим ва тажрибаларини синаб кўришди. Ижтимоий шерик саналган «Ўзавтосаноат» ва «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниялари билан ҳамкорлик ҳамда бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари, Ёшлар кенгаши раислари иштирокидаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган ўқув-семинарлар танловнинг янада самарали ўтишини таъминлади.

Тадбирнинг Республика босқичига йиғилганлар дастлаб Турин политехника университети билан яқиндан танишишди. Талабаларнинг билим олиши ва касб эгаллаши учун яратилган шароитларни кўздан кечириб, университет ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Шундан сўнг тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўз олган тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ш.Адилов ҳамда Турин политехника университети проректори Қ.Шариповлар юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ва унинг самараси хусусида гапириб, тадбир қатнашчиларига омад тилашди.

Ёш мутахассисларнинг таклиф ва фаолиятлари мужассамлашган слайдлар воситасидаги тақдимотлари эса барча учун бирдек қизиқарли бўлди.

— Қувонарлиси, ушбу танлов орқали соҳада ёшлар фаолиятидаги ноанъанавий услублар самараси, улар томонидан яратилаётган янги инновацион ишланма ва кашфиётлар билан яқиндан танишдик, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари, ташкилий қўмита аъзоси Акмал Умаралиев. — Хусусан, тақдимотда ёшлар иш услублари асосида билим, кўникма, малакаларининг белгиланиши, чет тилларни билиши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши, фаолиятларида қўллаётган илғор услуб ва янгиликлар нечоғли самарали эканлигини кўрсатиб беришди. Иштирокчилар орасидан муносибларини саралашда уларнинг билим ва дунёқараши кенглиги, келгусидаги стратегик режалари, таклиф-тавсиялари, қолаверса, жамоат ишларидаги фаоллигига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада).

СИРДАРЁ

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик шодиёнаси арафасида Республикамиз бўйлаб «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ШОДИЁНА АРАФАСИДА

Унда туман, шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 25 нафар қатнашчи миллий қадриятларимиз, тинч ва осуда ҳаётимиз, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатлари, истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз, миллий ўзликни англаш мавзусидаги қўшиқлари билан иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизими бўйича 1-ўрин Азиз Бобоевга, 2-ўрин Ёқубжон Абдусаттаровга, 3-ўрин Зафар Ибрагимовга насиб этди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизими бўйича 1-ўринга Бибинур Муҳаммадиева, 2-ўринга Собирхўжа Ботиров, 3-ўринга Ойбек Худойберганов ва Шоира Зулҳайдаровалар муносиб деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

НАВОИЙ

Аҳолини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш лойиҳаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

АҲОЛИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ

Бу борада Навоий вилояти Кармана туманидаги 35 та туман марказий кўчаларида режадаги 29,5 км. ўрнига 32 км. масофада янги сув қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилди ва бугун тоза ичимлик суви кириб борган ҳар бир хонадон аҳли бундай қулайликдан жуда мамнун.

Туман аҳолисининг тоза ичимлик сув билан узлуксиз таъминланиши Дамхўжа минтақалараро сув тизими билан узвий боғлиқ. Шу кунларда бу тизимда модернизация ишлари олиб борилиб, эски қувурларни янгилаш, замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

СУРХОНДАРЁ

«Камолот» ЁИҲ талабаларнинг ёзги таътил давомида бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этиш, маҳаллалардаги ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан тадбирлар режаси асосида юртимиз олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, маҳаллаларда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳларини ташкил этган.

ШАШТ БАЛАНД

Бу йўналишда Сурхондарё вилоятида ҳам қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Термиз давлат университетида мазкур меҳнат гуруҳлари фаолияти самарали йўлга қўйилган.

— Ўтган йили талабалардан иборат «Бунёдкор»чиларимиз сафи 475 нафарни ташкил этган бўлса, айни кунда улар сони 628 нафарга етди, — дейди Термиз давлат университети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Эркин Қаршиев. — Дастлаб факультетлар кесимида ҳаракат аъзолари ташкил этилиб, қурилиш корхоналари билан шартномалар имзоланди.Меҳнат гуруҳига жалб этилаётган тенгдошларимиз, асосан, касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, маданият ва спорт муассасалари, ёш оилалар учун уй-жойлар қурилишларида меҳнат қилмоқда.

Меҳнат ҳаракатида фидойилик кўрсатаётган ёшлар бундай хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшаётганидан хурсанд.

«Туркистон-пресс»

Ishonch
2014-yil 15-iyul № 86 (3435)

Эртанги ютуққа бугундан...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ниҳоят, ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, ғолиблар эълон қилинди. «Энг фаол ёш машинасоз» йўналиши бўйича 1-ўрин «GM-Ўзбекистон» ҚК муҳандиси Дониёр Қосимов, 2-ўрин «ЎзСунгВо» ҚК муҳандиси Улуғбек Файзиматов, 3-ўрин Турин политехника университети муҳандиси Ғайрат Аҳроровларга насиб этди. «Энг фаол ёш металлург» номинацияси бўйича 1-, 2-, 3-ўринларни «Ўзметкомбинат» ОАЖ бўлим бошлиғи Ботир Рустамов, «НКМК» тасарруфидаги механика заводи муҳандиси Ислом Расулов, «ЎзҚҚЎЧМК» ОАЖ цех бошлиғи Жалол Нуралиевлар қўлга киритишди. Ғолиблар Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов доирасида аниқланган энг фаол ёш мутахассислар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг



23 йиллиги олдидан ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» республика Форумида қатнашдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, энг фаол ёш мутахассисларни суҳбатга тортдик.

Б.РУСТАМОВ, «Ўзметкомбинат» ОАЖ муҳандиси:

— Танловда «Тебинбулак конида титан-магнетитли рудани қазиш, сўнг ундан чўян олиш», «Ўзметкомбинат» ОАЖда ферросилиций ишлаб чиқаришни ташкил этиш» каби лойиҳаларим билан қатнашиб, ғолиб бўлдим. Бу каби ютуқ — ҳар бир ёшнинг орзуси. Эътибор учун раҳмат. Келгусида юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишга хизмат қиладиган ғоя ва таклифларимни амалга татбиқ этишга ҳаракат қиламан.

Ж.НУРАЛИЕВ, «ЎзҚҚЎЧМК» ОАЖ цех бошлиғи:

— Мен ишлаётган цехда йилига 200 тоннага яқин молибден бойитмаси орқали молибден тузи ишлаб чиқарилади. Ушбу танловга айнан шу маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ишчиларга қулайлик яратишга қаратилган лойиҳам билан иштирок этдим. Ғолиблар сафидан жой эгаллаганимдан жуда хурсандман.

Ғ.АҲРОРОВ, Турин политехника университети муҳандиси:

— Танловда пахтасаноат соҳасига доир таклифларим билан қатнашдим. Яъни пахта териш машинасининг бир қанча эҳтиёт қисмларини алмаштириш ва янгилаш орқали иш сифатини оширишга доир лойиҳам ҳакамлар томонидан ижобий баҳоланди.

Тадбир давомида «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг ғолиблари ҳам аниқланди. Бунда соҳада кўп йиллар меҳнат қилиб келаётгани тажрибаси, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариши ҳамда ички меҳнат тартиб қоидаларига амал қилиши, соҳани ривожлантириш мақсадида олиб бораётган изланувчанлиги, эришган ютуқлари, ташаббускорлиги, яратган янгиликлари, ёшларга ўз касбининг сир-асрорини ўргатиб, шогирдлар тайёрлаши, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиши эътиборга олинди. Ана шундай тажрибали, фидойи мутахассислардан 10 нафари танлов ғолиби деб топилди.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган бир гуруҳ иштирокчи ва ғолиблар тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— «Фарғона механика заводи»да 27 йилдан буён токар вазифасида меҳнат қиламан, — дейди Абдуқодир Деҳқонов. — Шу вақт ичида кўплаб шогирдлар етиштирдим. Оддий бир инсон сифатида юртимизда барча жабҳада эришилаётган ютуқлар, биз меҳнаткашларга берилаётган эътибордан жуда руҳланаман. Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтаётган бугунги танлов ҳам эзгу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодаси. Барча ташкилотчиларга бу каби ташаббусларни давом эттиришида куч-ғайрат тилайман.

Ҳа, узоқ вақт давомидаги меҳнат заҳматидан сўнг, унинг ширин роҳатини ҳис этиш, ғолиблик нашидасини суришга нима етсин. Баъзида кичик бир рағбат ҳам инсонни катта марралар сари чорлайди. Шу маънода касаба уюшма ташкилотлари томонидан ўтказилаётган мазкур танлов ва тадбирлар жонкуяр, қобилиятли инсонларни қўллаб-қувватлаш баробарида, уларнинг келгусидаги муваффақиятларига йўл очади, десак, муболаға бўлмайди.

Гўзал НОРЧАЕВА, «Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ишончли ҳимоя

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Касаба уюшма ташкилотлари демократик ислоҳотларнинг иштирокчиси сифатида бу борада белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажариб келяпти. Фуқаролар мурожаатларини қонун доирасида кўриб чиқиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бу кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Мурожаатлар — эътиборда

2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ ДАВОМИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ АСОСИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН 632 НАФАР ШАХСНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНИШИГА ЭРИШИЛДИ.

Хусусан, жорий йилнинг дастлабки 6 ойи давомида касаба уюшмалари Федерацияси тизими ташкилотлари томонидан меҳнаткашларнинг 3633 та, шу жумладан, 1536 та ёзма, 2066 та оғзаки ва 83 та интернет тармоғи орқали йўлланган мурожаатлари кўриб чиқилди. Шунингдек, «Ишонч телефонлари» орқали 1105 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. 3583 та мурожаатда келтирилган важлар мазмунан ҳал этилиб, 1623 таси қаноатлантирилган бўлса, 1758 та ариза бўйича муаллифларга қонун талаблари тушунтирилди. Шу кунгача меҳнат соҳасида қонун бузилишларини бартараф этиш талаби билан иш берувчиларга киритилган 176 та тақдимноманинг 138 таси қаноатлантирилган.

Шу ўринда кейинги йилларда касаба уюшма ташкилотлари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда фуқаролик судлари имкониятидан кенг фойдаланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мисол учун, ўтган олти ой мобайнида судларга 52 та даъво ва буйруқ тартибидаги аризалар киритилган. Уларнинг 43 таси бўйича даъво талаблари суд томонидан қаноатлантирилди. 3 та ҳолатда иш берувчи ўз ихтиёри билан ходимнинг ҳуқуқларини тиклаганлиги сабабли даъводан воз кечилиб, тарафлар ўртасида келишув битимлари тузилишига эришилди. Ҳозирда 6 та даъвога асосан суд жараёни давом этяпти.

Бундан ташқари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик ўзининг ижобий натижасини бераётир. Жумладан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бош прокуратура билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Жумладан, 4 нафар касаба уюшма ташкилотлари ходимлари Омбудсманнинг жамоатчилик асосида эксперт гуруҳи аъзолигига жалб қилинган.

Ҳамкорлик самарасида Ногинск тиббиёт билим юртининг Наманган хўжалик ҳисобидаги бўлимида таҳсил олган 100 дан ортиқ фуқароларга тегишли таълим тўғрисидаги ҳужжатларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда амалий кўмак берилди.

Демократик ислоҳотлар жараёнида жамоат ташкилотларининг давлат бошқаруви, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги иштирокининг тобора кенг қулоч очиб бораётгани бор гап. Касаба уюшмалари ҳам бу борада қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Мисол учун, биргина жорий йилнинг биринчи ярмида меҳнат соҳасига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш юзасидан 100 дан ортиқ таклиф ва тавсиялар, корхона, ташкилот ва муассасаларга 562 та ҳолатда амалдаги қонун ҳужжатларини қўллаш юзасидан тушунтириш ва хулосалар берилди.

Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий муҳофаза фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 1239 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти, 295 та туман ва шаҳар кенгашига амалий ёрдам кўрсатилди. Аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилиб, меҳнат жамоаларида 429 марта давра суҳбати ҳамда семинарлар ташкил этилди. Қолаверса, даврий нашрлар, телевидение ва радиода 127 марта чиқишлар амалга оширилди.

Меҳнат соҳасида қонун талабларининг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнида, айниқса, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дилшод АБДУКАДИРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлим етакчи юристконсулти

Ўз касбининг моҳир эгалари

Йўлдош Полвонов йигирма йилдирки, солиқ идораларида фаолият кўрсатиб келади. Айни пайтда Хоразм вилоят давлат солиқ бошқармаси махсус назорат-тафтиш бўлими бошлиғи. У ўз фаолияти давомида солиқ тизимини такомиллаштириш, солиқ тўловчилар ва тизим ходимлари билан ишлаш маданиятини ошириш ҳамда меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўз касбининг устаси сифатида ёшларнинг касб маҳоратини оширишга кўмак бераяпти.

Фидойи бўлса киши...

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши томонидан тақдирланган «Ўз касбининг моҳир эгалари» орасида Йўлдош Полвонов ҳам бор. Шунингдек, узоқ йиллардан буён статистика соҳасида меҳнат қилиб келаётган вилоят статистика бошқармаси хизматлар соҳаси статистикаси бўлими бошлиғи Қаҳрамон Матчанов, «Асакабанк» Хоразм вилоят филиали кредитлаш бўлими лойиҳаларни молиялаштириш бўйича бош мутахассиси Отабек Машарипов ҳам ўз касбининг моҳир эгалари сифатида эътироф қилинди.

— Мақсадимиз, ўз касбининг фидойиларини рағбатлантириш, шу орқали аъзоларнинг профессионал маҳоратини ошириш, ташаббус ва изланишларини қўллаб-қувватлаш, устоз-шогирд анъаналарининг бардавомлигини таъминлашдир, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси Раъно Бобожонова. — Танлов беш босқичда ўтказилиб, барча бошланғич ташкилотлар иштирокини имкон қадар қамраб олишга ҳаракат қилдик.

Ўз касбининг моҳир эгалари тармоқ шаҳар кенгаши фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Бўтада болаликдан деҳқончиликка меҳр уйғонди. Мактабни тугатгач, Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институти аграномия факултетига ҳужжат топширди. Институтни муваффақиятли тамомлаб, қадрдон Жомбой сари йўл олди.

1992 йили у «Ўрай» фермер хўжалигини ташкил этди. Янгича тартибда ишлаш, мустақил фаолият уни тоблади. Мўл ҳосил олиш йўлида тинмай изланди. Айниқса, плёнка остида сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарали усул эканлигини амалда исботлади. Қишнинг қирчилламасида ҳам фермер даласида кўм-кўк барра пиёзларнинг барқ уриб кўкариб туришининг ўзи унда ўзгача завқ-шавқ уйғотарди.

Ташаббускор фермер

— Мамлакатимизда ер эгаларига барча имконият яратиб берилган, — дейди Бўта Умматов. — Бу йил ҳам феврал ойида плёнка остида пиёз кўкартирдик. Гектарига 500 центнердан ҳосил олинди. Ўрнига помидор кўчатлари қадаганмиз. Камида 300 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз.

Бир замонлар фермер хўжалиги далалари ҳосилдорлигининг энг юқори кўрсаткичи 35 центнергача борган. Ер ўз эгаси қўлига ўтгач, гектарлар унумдорлиги 50 центнердан кам бўлгани йўқ. Биргина ўтган йили 31 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 57 центнердан дон олинди. Бу йилги мўлжал ундан ҳам баланд. Дон учун экилган маккажўхоридан гектарига 110-115, сабзавот маҳсулотларидан 300 центнердан ортиқ хирмон кўтарилаётир. Даромадга қараб буромад, деганларидек ўтган йилги фойдадан хорижда ишлаб чиқарилган «Класс орион» комбайни сотиб олинди.

Фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 7 нафар ишчининг 5 нафари коллеж битирувчиси. Хўжаликда ишловчиларга уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Ходимлар нафақат маош, балки далада етиштирилаётган маҳсулотлар билан ҳам тўлиқ таъминланган. Ҳудуддаги 28-мактаб оталиққа олиниб, зарур юмушларда ёрдам бериб келинмоқда.

Ўз олдига улкан мақсадлар қўйган фермер даласида етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашга тараддуд кўрмоқда. Режа асосида далада экиладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш пайида бўляпти. Хусусан, 2 гектарлик боғ ҳосил бера бошлади. Ўтган йилда 17 тонна мева йиғиб олинди. Яқин келажакда «Ўрай» тамғаси билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорда муносиб ўрин эгаллашига ҳеч шубҳа йўқ.

Агросаноат мажмуи ходимлари Жомбой туман кенгаши томонидан ташкил этилган танловда «Ўрай» фермер хўжалиги раҳбари Бўта Умматов «Ўз касбининг моҳир эгаси» йўналишида ғолибликни қўлга киритди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тиббиёт

Ногиронларга ғамхўрлик

Фарғона вилояти ногиронлар ҳудудий реабилитация марказида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялаш, кексалар ва ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш ҳамда зарур жиҳоз ва воситалар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Марказимиз 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, бир йилда 1000 нафарга яқин ногиронга тиббий хизмат кўрсатаётир. Шундан 20-25 фоизини ногирон болалар ташкил этади, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Акмал Давлатшоев. — Бундан ташқари, 20 ўринга мўлжалланган пулли хизмат бўлими ташкил этилиб, унда йил давомида 350-400 нафар бемор даволанмоқда.

Марказда шаҳар, туман тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари билан ҳамкорликда ишлаш яхши йўлга қўйилган. Реабилитация потенциали юқори бўлган ногиронларни саралаш, уларни якка тартибдаги реабилитация дастурлари асосида даволаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ерда тестлаш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, унинг натижаларига кўра ногиронларга ишга тавсия бериляпти. Шунингдек, жойлардаги бандликка кўмаклашиш марказларига йўлланма, ўқишга тавсия этилганлар эса тегишли ўқув даргоҳларига йўналтирилмоқда.

Яқинда бу ерда «Ҳудудий реабилитация марказлари амалиётида ногиронлар комплекс реабилитацияси тадбирларини такомиллаштиришнинг устувор масалалари» мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Бу эса, ўз навбатида, марказда ногиронларни реабилитация қилиш, уларни иш ва ўқишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини юксалтиришга имкон яратади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Танишинг: журналнинг янги сони

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг жорий йилдаги 2-сони «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясида» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси таҳлил этилган мақолалар журналда кенг ўрин эгаллаган. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедовнинг «Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди Миравзал Миракуловнинг «Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги», Тошкент давлат юридик университети «Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихи» кафедраси доценти Ҳайдарали Муҳамедовнинг «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари», Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассиси Зафар Амировнинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ташаббускорлари», Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Ижтимоий фанлар» кафедраси ўқитувчиси Шароф Агабаевнинг «Фуқаролик жамияти ва ёшлар сиёсий маданияти», Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси Хуршид Шараповнинг «Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш» сингари мақолаларида ушбу мавзу атрофлича таҳлил этилган.

Журналнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятнинг очиқлиги» рукнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази вице-президенти Наталья Боржелли (АҚШ) билан «Ҳуқуқий экперимент — америкалик эксперт нигоҳида» сарлавҳали суҳбати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди Маъруф Усмоновнинг «Парламент назорати функцияларининг ҳуқуқий асоси», Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети олий журналистика курслари 2-босқичи тингловчиси Шавкат Якубовнинг «Мамлакатимиздаги демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларида «Электрон ҳукумат»нинг аҳамияти» номли мақолалари чоп этилган.

Журналхонлар Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Васила Алимованинг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар — давлат ва жамият эътиборида» мақоласи билан танишадилар.

Жиноят ишлари бўйича Беруний тумани суди раиси Нажиматдин Таировнинг «Одам савдосидан жабрланиш ва унинг асослари», Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси Нодира Толибоеванинг «Иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда фермер аёлларнинг ўрни» мақолалари «Жамият ва шахс», Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Ҳайдарали Юнусовнинг «Лиссабон шартномаси: ҳуқуқий таҳлил ва хулосалар», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходими Луқмонжон Исоқовнинг «Францияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари» мақолалари «Халқаро ҳуқуқ» рукнлари остида эълон қилинган бўлиб, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Ушбу сонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам жой олган.

Ҳар галгидек журналда турли анжуманлар, тадбирлар, тақдимотлар ҳақидаги ахборотларга кенг ўрин берилган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ishonch
2014-yil 15-iyul № 86 (3435)

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

ЛОТ-2

ЛОТ 2.1. «Фарғона тумани Миндон ҚФЙ Миндонобод қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — **527 619 564 сўм ҚҚС сиз ва 633 143 476 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.2. «Риштон тумани Риштон ҚФЙ Нишонбобо қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи — **100 055 767 сўм ҚҚС сиз ва 120 066 920 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.3. «Боғдод тумани Самарқанд ҚФЙ Самарқанд қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш»

Бошланғич нархи — **216 158 382 сўм ҚҚС сиз ва 259 390 058 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.4. «Учкўприк тумани Учкўприк ҚФЙ Учкўприк қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — **96 992 558 сўм ҚҚС сиз ва 116 391 069 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.5. «Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ Озод қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».

Бошланғич нархи —**135 944 575 сўм ҚҚС сиз ва 163 133 490 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 2.6. «Данғара тумани Санам ҚФЙ Катта Оқтепа қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи —**102 555 935 сўм ҚҚС сиз ва 123 067 122 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **90 кун.**

ЛОТ-3

ЛОТ 3.1. «Фурқат тумани Навбаҳор ҚФЙ Чиркай қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — **120 193 649 сўм ҚҚС сиз ва 144 232 378 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 3.2. «Ўзбекистон тумани Мингтут ҚФЙ Янгиҳаёт қишлоғидаги намунавий уйларга ички ва кириш йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — **253 314 371 сўм ҚҚС сиз ва 303 977 245 сўм ҚҚС билан.**

ЛОТ 3.3. «Бешариқ тумани Бешариқ ҚФЙ Кўрғонча қишлоғидаги намунавий уйларга кириш ички йўлларини қуриш».

Бошланғич нархи — **111 566 929 сўм ҚҚС сиз ва 133 880 314 сўм ҚҚС билан.**

Муддати — **90 кун.**

Қурилиш ишлари: Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн.сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади. 500 млн.сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси-37, тел.(8 595) 401-52-06.

Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлар иштирок этади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳар Темирйўл кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади. **Хизматлар лицензияланган.**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИГА!

ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчасида «Қишлоқ қурилиш банк» биноси қурилиши».

Бошланғич нархи — **3 655,880 млн. сўм ҚҚС сиз ва 4 387,056 млн. сўм ҚҚС билан.**

Қурилиш муддати — **11 ой.**

Қурилиш ишлари: **ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Фарғона минтақавий филиалининг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Буюртмачи: **ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Фарғона минтақавий филиали.**

Манзил: Фарғона шаҳар Қурувчилар кўчаси, 13-уй, тел.(8 373) 242-68-59.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

AGROBANK

Сифатли ва тезкор хизмат халқ фаровонлигига

Мамлакатимизда ишбилармон тадбиркорларнинг бизнес ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда молиявий ва ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватланиши соҳанинг ҳар томонлама юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу борада Агробанкнинг Хоразм вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан тадбиркорларга, мижозларга кўрсатилаётган салмоқли хизматлар ҳамда аграр секторни такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилиб, аҳолига сифатли ва тезкор банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, Агробанк Хоразм вилоят бошқармаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан белгилаб олинган устувор вазифаларга кўра тадбиркор-у фермер-деҳқонларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида молиявий томондан кўмак бериб келинаяпти.

Агробанк вилоят бошқармаси ва филиаллари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш, корхоналар фаолиятини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилмоқда. Натижада, жойларда янги-янги тадбиркорлик субъектлари ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилишига сабаб бўлаётир. Мазкур маблағлар туфайли вилоятнинг чекка ҳудудлари обод манзилларга айланиб, замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилиб, аҳолига қўлайликлар яратилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар ҳажми ошаётганлигини кузатишимиз мумкин.

— Бугунги кунда юртимизнинг қайси гўшасига ташриф буюрманг, у ерда бўлаётган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Кимдир иморат қураяпти, яна қайсидир юртдошимиз боғ яратаяпти. Шу азиз ватан тараққиёти йўлида меҳнат қилиб, оиласи даромадига улуш қўшаётган ватандошларимиз чеҳрасидаги мамнунликни кўриб дилингиз яйрайди, кайфиятингиз кўтарилади, — дейди Урганч туманидаги «Арслон Миршаб» хусусий корхонаси раҳбари Арслон Атажанов. — Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятимизни янада ривожлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, Агробанкнинг Урганч филиали томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 38 млн. сўм кредит олдик. Шунинг ҳисобига 5 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда корхонамиз томонидан 20 дан ортиқ турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, туман ва вилоят аҳолисини арзон ва сифатли қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпмиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

— Халқимиз паррандани етти хазинанинг бири дея, эътироф этади. Чиндан-да шундай. Парранданинг тухумидан тортиб, парпати-ю гўштигача битмас-туганмас даромад манбаи, — дейди Хоразм вилоятидаги «Қосимбек» МЧЖ раҳбари Латифбой Маҳмудов. — Шу сабабли тадбиркорликни бошлашимда ана шу тармоқни ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Бу борада бизнес лойиҳамни молиявий томондан қўллаб-қувватлаган Агробанк ходимларидан миннатдорман. Мазкур банкнинг Хоразм вилоят ҳудудий филиали томонидан менга 244 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Ушбу маблағ асосида 6 та янги иш ўрни яратдим. Ҳозирда жамият томонидан халқимиз истеъмоли учун сифатли тухум ва парҳезбоп парранда гўшти етказиб бераяпмиз. Ҳали олдинда режаларимиз кўп. Тармоқни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ошириш ва албатта, Агробанк билан доимий ҳамкорликда ишлаб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ниятидамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм вилояти бошқармаси ва филиаллари ўз ишини, бизнесини йўлга қўйишга, ривожлантиришга интилаётган тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни зиммасидаги асосий вазифа деб ҳисоблайди. Зеро, тадбиркорликнинг ривожланиши халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига, юртимиз иқтисодий томондан тараққий этишига замин яратади.

Ўз мухбиримиз

ЎзА суратлари

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2014 йил 27 июндаги 4/6-сонли хатига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2515 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. ЗИЛ-138а русумли д/р 10 ВЕ 470, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 2. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10АХ321, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 3. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 848, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 4. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 546, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 5. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 703, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 6. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ684, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 7. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АQ 872, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 8. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 459, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 9. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 849, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 10. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 012 ТВА, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 197 000 сўм. 11. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 733, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 12. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 973, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 13. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 494, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 14. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 ВА 070, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 15. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 504 САА, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 16. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 615, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 17. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 701, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 18. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 847, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 19. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АС 808, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 215 000 сўм. 20. ЗИЛ-ММЗ-4502 АСГ русумли, д/р 10 АХ 470, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 665 000 сўм. 21. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 992, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 557 000 сўм. 22. ЗИЛ-ММЗ-45021 АСГ русумли, д/р 10 АQ 660, 1978 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 927 000 сўм. 23. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АС 809, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 24. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 734, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 25. ПАЗ-672М русумли, д/р 10 АС 818, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 4 340 000 сўм. 26. УАЗ-469 Б русумли, д/р 57-52 ТНА, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 912 000 сўм. 27. ГАЗ 2401 русумли, д/р 10 АК 710, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 1 213 000 сўм. 28. УАЗ-31512-01 русумли, д/р 78-22 ТНА, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 233 000 сўм. 29. Н-13-130 русумли, д/р 10 В 205, 1991 йилда и/ч полуприцеп. Б/б - 6 062 000. 30. ГАЗ 5327 русумли, д/р 10 АХ 496 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б-6 488 000 сўм.

Савдо 2014 йил 31 июл куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 29 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2014 йил 31 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 7, 21 август ва 4 сентябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 7 августдаги такрорий савдо учун 5 август куни соат 18:00; 21 августдаги савдо учун 19 август куни соат 18:00; 4 сентябрдаги савдо учун 2 сентябр куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Изоҳ: а/в – автотранспорт воситаси, и/ч – ишлаб чиқарилган, б/б – бошланғич баҳоси.

Хизматлар лицензияланган.

XORAZM KO'CHMAS MULK savdo servis

«Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2014 йил 12 август куни соат 11:00 да Урганч шаҳар Шерозий кўчаси 12-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Хоразм вилояти Хўжалик судининг 22-1303/4734-сонли иш бўйича 2013 йил 14 май куни қабул қилган ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб топилиб, ҳозирги кунда тугатишга доир иш юритиш олиб борилаётган **«О'КТАМ»** фермер хўжалиги кредиторларининг 2014 йил 9 июлдаги йиғилиши баённомаси қарорига ва тугатиш бошқарувчисининг 2014 йил 9 июлдаги №Ул/19-сонли хатига асосан Янгиариқ туманида жойлашган **«О'КТАМ»** фермер хўжалиги ҳисобида бўлган «Дала шийпон» ва «Микрокредитбанк» ОАКнинг 10 дона оддий ҳужжатсиз акциялари билан мажмуа тарзида бошланғич баҳоси бозор баҳосида 3 222 023 сўмда қўйилмоқда:

Ушбу мол-мулклар 2014 йил 12 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йил 14 ва 15 август кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун - паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Xorazm ko'chmas mulk savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 17.00да тўхтатилади. Ҳисоб рақами 20208000804935791001 АТИБ «Ипотека банк» Тинчлик филиали МФО: 00580, СТИР: 302101924.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 8(362)-228-48-46. Расмий сайтимиз: www.uy-joy.uz. Лицензия RR-0054.

«Kafolat» davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi AJ жамоаси компания бошқаруви раиси вазифасини бажарувчиси Равшан Нарзуллаевга укаси

Нодир НАРЗУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Зангиота туман ҳокимлиги Молия бўлимининг 2014 йил 28 февралдаги AF-25 сонли буйруғи ва 2014 йил 11 июлдаги 18/17-301 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Зангиота тумани К.Гофуров кўча манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 385 АВА бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 5 154 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 15 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 13 август куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 15 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 22 ва 29 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 22 августдаги савдо учун 20 август куни соат 18:00; 29 августдаги савдо учун 27 августдаги куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «Ўзнефтмаҳсулот» АК «Пахта Нефт Базаси» унитар корхонасининг 2014 йил 8 июлдаги 137-сонли буйруғи ва 2014 йил 8 июлдаги 11-768-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Чиноз тумани Эски Тошкент ҚФЙ, «Пахта Нефт Базаси» унитар корхонасида сақланаётган, давлат рақами 10 134 RAA бўлган 2007 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, ГБАСПГ ГАЗ 31105-100 русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 7 711 000 сўм.**

Савдо 2014 йил 15 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 13 август куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 15 август куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 22 ва 29 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 22 августдаги савдо учун 20 август куни соат 18:00; 29 августдаги савдо учун 27 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Хизматлар лицензияланган.

Кўзларда қувонч

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Болалар ўзлари тўқиган буюмлар, чизган суратларини намойиш қилишади. Фаол дам олувчиларга фахрий ёрлиқ ва совғалар топширамиз. Бундан ташқари, мунтазам равишда «Энг фаол гуруҳ», «Энг яхши хона», «Энг хулқи одобли гуруҳ» танловлари ўтказилади. Дам олувчиларни навбати билан театрга ва чўмилиш ҳавзасига олиб бориш йўлга қўйилган. Тарбиячилар Дилдора Шотаева, Жанна Бабаян, етакчи Муяссар Шаропова, бош етакчи Шаҳноза Тўхтасиновалар болаларга бор меҳр ва билимларини беришаётгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Оромгоҳнинг очилиш ва ёпилиш маросимларини туман «Баркамол авлод маркази» ҳамда 11-Маданият уйи билан ҳамкорликда эсда қоларли тарзда ташкил этяпмиз.

— Оромгоҳда кўп дўстлар орттирдим, — дейди 7 ёшли Моҳинур. — Бу ерда тўқишни ўргандим, спорт билан шуғулланяпман. Тарбиячи опаларимиз бизга жуда меҳрибон. Инглиз тили фани тўгарагида қатнашиб, кўплаб сўзларни ўргандим.

— Бу ерда вақт бир зумда ўтгандек бўлади, — дейди 10 ёшли Абдулазиз. — Кун давомида турли тўгаракларга қатнашиб, ўзимиз ёқтирган машғулот билдан шуғулланяпмиз. Мен расм чизиш бўйича танловда ғолиб бўлиб, фахрий ёрлиқ олдим. Бундан ота-онам ҳам жуда хурсанд бўлишди.

Айни кунларда кундузги оромгоҳда иккинчи навбат ўз ниҳоясига етмоқда. Мавсум давомида оромгоҳда 4 навбатда ҳудуддаги кам таъминланган оилаларнинг 500 га яқин ўғил-қизларини дам олдириш режалаштирилган.

Болаларнинг шодлигини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Улар кўзида порлаган қувонч ва бахт ҳамиша дилимизга сурур бағишлайди.

Г.БАХТИЁРОВА

Маънавият сабоқлари

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

«Бу мактубни шифохонадан йўллаяпман. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Дўстим Алижон билан бир қишлоқда туғилдик ва бир мактабда таҳсил олдик. У ўқишни «олтин» медалга битирди. Мақсадимиз қишлоқдан анча узоқда бўлган марказга бориб ўқиш эди. Алижон билан бирга Тошкентга келдик. Олийгоҳлардан бирига ўқишга кириб, ҳатто бир факултетда таҳсил олдик. Бу ерда ҳам дўстим ўзининг зеҳни ўткирлиги ва қобилияти билан бошқалардан ажралиб турарди. Қўлдан келганча, барча талабаларга ёрдам берарди. Менга унинг бу иши ёқмас эди. Унга ҳасад қилардим...

ҲАСАД ЎТИ

Талабалик ортда қолди, институт йўлланмаси билан шаҳардаги корхоналардан бирида ишлай бошладик. Уч-тўрт ойдаёқ дўстим ўзини ишда кўрсата билди. Уни бўлим бошлиғи этиб тайинлашди. Менда унга нисбатан ғайрлик ва ҳасад янада авж олди. Ўзимни унга яқин дўстдек тутишга ҳаракат қилиб, ҳақиқий муносабатимни эса сездирмас эдим. Гоҳи-гоҳида унинг иш столидан ҳисобот ҳужжатлари ва шунга ўхшаш нарсаларни пайт пойлаб олиб, яшириб қўяр эдим. Сўнг у билан бирга «ўлиб-тирилиб» қидиришардим.

Кейинроқ муҳим ҳужжат қоғозларини олиб қўйиб, ҳатто ёқиб юборадиган одат чиқардим. Касаллик хуруж қилиб, энди унинг устидан юқори ташкилотларга турли иғво ва бўҳтон, юмалоқ хатлар ёзишга одатландим. Натижада, бир неча кунлаб текшир-текширлар бўлиб ўтар, мен эса ич-ичимдан қувонар эдим.

Бир сафар юқори ташкилотдан келган раҳбар мажлис ўтказиб, унинг бошқа бир корхонага бошлиқ этиб тайинланганини билдирди. Алижон янги жойда иш бошлади, мен эса оддий ходимлигимча қолавердим. Ўша кезлари, ундаги ютуқ ва ҳурматни кўриб, кечалари уйқум қочди. Бора-бора уйқусизлик касали гирибонимдан олди. Бормаган табиб ва кўрсатмаган шифокорим қолмади. Аввалига шифохонада махсус аппаратлар ёрдамида кундуз куни келиб, бир-икки соат ухлаб кетадиган бўлдим. Бу ҳам етмагандек, мана ҳозир икки оёғим ишламайди. Ўрнимдан туролмайман. Бечора дўстим Алижон бу ерда эканлигимни эшитиб, уч-тўрт маротаба келиб кетди. Ҳатто, камёб дориларни топиб, бериб юборибди.

Қилган ишларимдан энди қаттиқ пушаймонман. Худо менга кўрсатди. Шу кунларда виждон азобидан қийналмоқдаман. Алижонни чақиртириб, унга нисбатан қилган барча ишларимни айтиб берсам, у мени кечирармикин?

Сизлардан маслаҳат сўраб, Умиджон».

Азизлар, Ислом — эзгулик динидир. Эзгуликнинг катта-кичиги йўқ, бунда эътиқод соф бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Яхшилик қилиш билан бир-биримизнинг муҳаббатимизни қозонибгина қолмай, балки Яратганнинг ҳам раҳматига сазовор бўламиз. Қуръони каримда: **«...Яхшилик қилинглар, албатта, Аллоҳ таоло яхшилик қилувчиларни севади»**, дейилган (Моида, 93). Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: *«Аллоҳдан қўрқиш — барча ҳикматнинг боши» деб марҳамат қиладилар. Бундай сифатга эга бўлган кишилар ҳалол ва пок яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратни ўйлаб, дўсту биродарлари ҳақига хиёнат қилмайди.*

Лекин, жамиятимизда оз бўлса-да, юқоридаги хат муаллифига ўхшаш ҳасадгўй, иғвогар, ўзгалардаги қувончу ютуқларни кўролмай, бахиллик қиладиганлар учраб туради. Агарда бошқаларга яхшилик қилиш қўлимиздан келмаса, ёмонлик қилишдан ўзимизни тийсак, бу ҳам яхшилик қилишнинг бир туридир. Биламизки, яхши иш ва хайрли амаллар қилиш билан инсонлар орасида бир-бирларига нисбатан самимий муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром уйғонади.

Адолат — Аллоҳни танишда, кишилар ўртасида ҳукм чиқарганда, оилада одиллик билан иш тутишда ва бошқа бир қанча кўринишларда намоён бўлади. Мўмин-мусулмон киши ўзининг ҳаёти давомида доимо адолат билан иш юритиш кераклигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслиги лозим. Аллоҳ таоло Каломи мажидида марҳамат қилиб айтадики: **«Эй мўминлар! Аллоҳ таоло учун тўғри туриб одилона гувоҳлик беринглар. Бировларнинг маломат қилишлари сизларни одилликдан қайтармасин. Одил бўлинглар. Бу тақвога яқиндур ва Аллоҳ таолодан қўрқинглар, зероки Аллоҳ таоло сизларнинг ишларингиздан доим хабардордир»** (Моида, 8).

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам: *«Кимки умматларимнинг бирор ишига раҳбар бўлиб, сўнг уларга нисбатан адолатсизлик қилса, Аллоҳ таоло уни дўзахга юзтубан ҳолда дохил қилур»*, — деб инсонлар ўртасида адолатли бўлиш ғояларини тарғиб қилганлар. Бошқа ҳадисда эса: «Аллоҳ рози бўлишини истасангиз, фарзандларингизга доимо адолат қилингиз», — деганлар.

Кунлардан бир кун Луқмони Ҳаким ўз ўғилларига: *«Ёмонликни ёмонлик қайтаради дегувчилар ёлғончилардир! Агар ростгўй бўлсалар, икки жойга олов ёқиб, бири билан иккинчисини ўчирсинлар-чи. Ҳақиқатда эса ўтни сув ўчиргани каби ёмонликни ҳам яхшилик қайтаради», — деб насиҳат қилган эканлар.*

Ислом адолат дини сифатида инсонларни меҳру оқибатли бўлишга даъват этади. Бу борада Қуръони каримда: **«Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошларга яхшилик қилишга буюрар ҳамда бузғунчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур...»** дейилур (Наҳл, 90).

Аллоҳ барчамизни сахийқалб, олиҳиммат, ўзгаларга мурувватли ва меҳру шафқатли бўлишдек улуғ инсоний фазилатларга эришториб, ношудларга инсоф берсин.

Реклама ва эълонлар

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ «ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ» ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:
«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги Фуран бирикмалари кимё заводининг собиқ маъмурий биноси фасадини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **404 927 013 сўм ҚҚС сиз ва 485 912 415 сўм ҚҚС билан;**
Муддати — **3 ой.**
Буюртмачи: **Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ҳокимлиги «Қурилиш дирекцияси»**
Манзил: Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 7-уй, тел.(373) 244-00-42.
Қурилиш ва таъмирлаш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови – 100%.
Танлов савдосида фақат Давлат реестрига киритилган пудрат ташкилотлар иштирок этади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48
Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фарғона шаҳар, Темирйўл кўчаси 37-уй манзилда ўтказилади.
Хизматлар лицензияланган.

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Фарғона вилоятида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар йўли қурилиши» ЛОТ-1 объектлари бўйича «Ishonch» газетасининг 2014 йил 8 май кунги 57-сонида берилган эълонларига қуйидаги ўзгартиришлар киритилганлигини маълум қиламиз.

Объектлар номи: **ЛОТ-1**
ЛОТ 1.1. «Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Илғор қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **575 004 206 сўм ҚҚС сиз ва 690 005 047 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.2. «Фарғона тумани Чекшўра ҚФЙ Чекшўра (Ипподром) қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **102 996 559 сўм ҚҚС сиз ва 123 595 870 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.3. «Фарғона тумани Миндон ҚФЙ Миндонобод-2 қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **307 691 230 сўм ҚҚС сиз ва 369 229 476 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.4. «Қува тумани Маданият ҚФЙ Гўзал қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **118 289 225 сўм ҚҚС сиз ва 141 947 070 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.5. «Қува тумани Намуна ҚФЙ Пахтаобод қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **137 102 875 сўм ҚҚС сиз ва 164 523 450 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.6. «Тошлоқ тумани Ахшак ҚФЙ Сирлимасжид қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **205 084 365 сўм ҚҚС сиз ва 246 101 238 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.7. «Қўштепа тумани Сармозор ҚФЙ Сармозор қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **188 605 630 сўм ҚҚС сиз ва 226 326 756 сўм ҚҚС билан.**
ЛОТ 1.8. «Олтиариқ тумани Ғайрат ҚФЙ Жарқўрғон қишлоғидаги намунавий уйлар йўли қурилиши».
Бошланғич нархи — **103 376 684 сўм ҚҚС сиз ва 124 052 020 сўм ҚҚС билан.**
Муддати — **90 кун.**
Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги тиббиёт бирлашмаси биноларини реконструкция қилиш ишлари» объекти бўйича «Ishonch» газетасининг 2014 йил 10 июл кунги 84-сонида берилган эълонга қуйидаги ўзгартиришлар киритилганлигини маълум қиламиз.
Қурилиш-монтаж ишлари: Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Хизматлар лицензияланган.

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

FIFA WORLD CUP Brasil

Роппа-роса бир ой давом этган XX Жаҳон чемпионати, ниҳоят, поёнига етди. Унда кўплаб рекордлар ва антирекордлар ўрнатилди. Финал учрашувида Германия ва Аргентина терма жамоалари тўқнаш келиб, «немис машинаси»нинг устунлиги билан якун топди. 120 дақиқа давом этган баҳсдаги ягона голга Марио Гёце (113-дақиқа) муаллифлик қилди. Германия — жаҳоннинг тўрт карра чемпиони! Германия — Америка қитъасида ўтказилган мундиалда ғолибликни қўлга киритган илк Европа жамоаси ҳамдир.

БЕДОР ТУНЛАР ЯКУНИ

Бош мураббийлар нима деди?

Аргентина терма жамоаси бош мураббийи Алехандро Сабеля финалдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида шундай деди:

— Шиддатли ўйин бўлди. Бундай баҳсда хатога йўл қўйилса, уни тўғрилаш қийин бўлади. Биз ғалаба қозонмадик, аммо ажойиб ўйин ўтказган жамоам билан фахрланаман. Мен ўз футболчиларимни табриклайман. Улар менинг фахрим. Бутун мамлакат улар билан фахрланишлари лозим. Германияни эса жаҳон чемпионлиги билан табриклайман.

Йоаҳим Лев, Германия терма жамоаси бош мураббийи:

— Бу лойиҳани амалиётга татбиқ этишни 10 йил аввал Клинсманн бошлаган эди. Биз эса уни муваффақиятли тарзда давом эттирдик. Мана бугун меҳнатимиз ўз самарасини берди.

Ўтказилган 7 та ўйиннинг барчасида жамоамиз ташаббусга эришди ва майдонда ўйинни бошқарди. Энг муҳими, жамоавий ўйин ғалабамизнинг бош омили бўлди.

Энг яхшилар

Лионел Месси Жаҳон чемпионатининг «Энг яхши ўйинчиси» деб эътироф этилди ва унга «Олтин тўп» совриии топширилди.

Ушбу совриин учун курашда Мессига Анхел ди Мария (Аргентина), Матс Хуммелс (Германия), Тони Кроос (Германия), Филипп Лам (Германия), Неймар (Бразилия), Хамес Родриес (Колумбия), Арен Роббен (Голландия), Томас Мюллер (Германия), Хавер Маскерано (Аргентина) рақиблик қилганди.

Месси жорий жаҳон чемпионати давомида етти ўйинда жами 693 дақиқа майдонда ҳаракат қилиб, тўртта гол уришга муваффақ бўлди.

FIFA 1982 йилдан бери ҳар бир мусобақанинг энг яхши футболчисига «Олтин тўп» топшириб келади. Ўтган йиллар давомида ушбу совринни Паоло Росси (Италия), Диего Марадона (Аргентина), Салваторе Скиллачи (Италия), Ромарио (Бразилия), Роналдо (Бразилия), Оливер Кан (Германия), Зайниддин Зидан (Франция) ва Диего Форлан (Уругвай) қўлга киритган.

Мануэл Нойер ЖЧ — 2014нинг энг яхши дарвозабони деб топилди ва унга «Олтин қўлқоп» совриии топширилди.

Ушбу совриин учун Нойерга ҳақли равишда аргентиналик Серхио Ромеро ва Коста-Рика терма жамоаси дарвозабони Кейлор Навас рақиблик қилди.

Мануэл Нойер Жаҳон чемпионати давомида етти учрашувда майдонга тушди. Португалия (4:0), АҚШ (1:0), Франция (1:0) ва Аргентина (1:0)га қарши ўйинларда дарвозаси даҳлсизлигини сақлаб қолган бўлса, қолган ўйинларда (Гана-2:2, Жазоир-2:1, Бразилия-7:1) жами тўртта гол ўтказиб юборди.

Колумбиялик Хамес Родригес «Энг яхши тўпурар»га айланди.

Футболчи мусобақа чорак финалигача бўлган беш учрашувда рақиблар дарвозасига олтита тўп киритди. 1991 йил 12 июлда туғилган «Монако» ҳужумчиси гуруҳ босқичида Греция ва Кот-д'Ивуар, нимчорак финалдаги Уругвай терма жамоаларига қарши ўйинда «Энг яхши ўйинчи» деб топилганди.

Ҳужумчи Греция (3:0), Кот-д'Ивуар (2:1), Япония (4:1), Бразилия (1:2) терма жамоаларига биттадан, Уругвай терма жамоаси дарвозасига эса иккита гол урди.

Хамес Родригес Германия терма жамоаси ҳужумчиси Томас Мюллер (5та гол), Аргентина терма жамоаси сардори Лионел Месси, Голландия терма жамоаси сардори Робин ван Перси, Бразилия терма жамоси ҳужумчиси Неймар (барчасида 4тадан гол)ни ортда қолдирди.

Франциялик Пол Погба — «Энг яхши ёш футболчи».

21 ёшли футболчи мундиалнинг бешта ўйинида майдонга тушиб, битта гол (1/8 финалда Нигерия дарвозасига) уришга муваффақ бўлди ва иккита голга ассистентлик қилди.

«Ҳалол ўйин» («Fair play») совриии Колумбияга топширилди.

Колумбия терма жамоаси ЖЧ — 2014 якунлари бўйича «Ҳалол ўйин» совринига муносиб кўрилди.

Хосе Пекерман шогирдлари чорак финалгача етиб келишди ҳамда 5та ўйинда 5та сариқ карточка олишди холос.

Европа жамоаси биринчи марта Америка қитъасида ўтган Жаҳон чемпионатида ғолиб бўлди.

Аввал бўлиб ўтган 7 мундиалнинг барчасида Америка қитъаси терма жамоалари чемпионликни қўлга киритган.

2014 йилги жаҳон чемпионати учрашувларини 3 миллион 429 минг 873 томошабин стадионлардан туриб кузатди.

FIFA Медиа твиттер-аккаунтининг қайд этишича, бу жаҳон чемпионатлари тарихидаги энг яхши иккинчи кўрсаткичдир.

Хусусан, Германия ва Аргентина терма жамоалари ўртасидаги ЖЧ — 2014 финал учрашувини Рио-де-Жанейродаги «Маракана» стадионида 74 минг 738 томошабин кузатиб борди.

Бу борадаги жаҳон чемпионатларидаги энг яхши кўрсаткич бундан 20 йил аввал — 1994 йили АҚШда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қайд этилган. Ўшанда мундиал баҳсларини 3 миллион 587 минг 638 мухлис стадиондан туриб кузатган.

Ким қанча ишлади?

Бразилияда бўлиб ўтган мундиал совриндорлари ва барча қатнашган жамоалар FIFA томонидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Гуруҳ босқичида қолиб кетганлар: Эквадор, Португалия, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Кот-д"Ивуар, Италия, Испания, Россия, Гана, Англия, Эрон, Жанубий Корея, Австралия, Гондурас, Япония ва Камерун жамоаларига FIFA 8 миллион доллардан мукофот пули берди.

Нимчорак финалчилар: Чили, Мексика, Швейцария, Уругвай, Греция, Жазоир, АҚШ ва Нигерия жамоалари 9 миллион доллардан ишлаб олишди.

Чорак финалчилар: Колумбия, Белгия, Франция ҳамда Коста-Рика жамоаларига эса 14 миллион доллардан насиб этди.

Мусобақа мезбонлари ва тўртинчи ўрин соҳиби Бразилияга 20 миллион, учинчи ўриндаги Голландия 22 миллион, вице-чемпион Аргентина 25 миллион доллардан фойдага эга бўлишди.

Жаҳон чемпиони Германия терма жамоаси эса уйига 35 миллион долларни олиб кетди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21. 20
Topshirildi - 21. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 718 13934 nusxada bosildi 1 345